

МАЪНАВИЙ БУРЧ — инсонга хос бўлган юксак маънавий фазилят, унинг ахлоқий майл-истакларининг ҳис-туйғуларда акс этишини ифодаловчи т. М.б. шахсни баъзан ҳузур-ҳаловатдан, турмуш лаззатларидан маҳрум этиши мумкин бўлиб, у таълим-тарбия жараёнида инсон тафаккурига сингдирилади ёки оилавий, миллий анъаналар тарзида қабул қилинади. Инсоннинг М.б.и унинг маъ-яти, руҳияти, тафаккурига ижобий таъсир кўрсатган, тарбиясида муҳим роль ўйнаган нарсаси, ҳодисаси ва шахсларга нисбатан маънавий қарздорлик туйғусидир. Бурч кишининг жамият, давлат ва б. одамларга нисбатан муносабат и, улар олдидаги мажбуриятини ифодалайди. М.б. атамаси виждон, эътиқод, масъулият каби т.лар билан узвий боғлиқдир. Мас., И.А.Каримов «Юксак маънавият – енгилмас куч» асарида таниқли ўзбек олими академик Яҳё Ғуломовнинг маънавий жасорати ҳақида тўхталиб, «адолатни ҳамма нарсадан устун деб биладиган, тарих ва келажак олдидаги масъулиятни ҳис этадиган, ҳақиқий ватанпарвар одамгина шундай мардликка қодир бўлади», деб таъкидлайди. Умуман, М.б. инсон ҳаёти ва фаолиятининг барча соҳаларида, ҳар бир хатти-ҳаракатида намоён бўлади. Улуғ мутафаккир Ибн Сино «Бурч тўғрисида рисола»сида бурчни Тангри олдидаги қарздорлик туйғусини бажариш, илоҳий масъулият деб талқин этади. М.б. нафақат масъулиятни, балки ҳар қандай ишга виждонан ёндашишни, эътиқодда собитликни тақозо этади. Бунинг учун инсон, аввало, бурчини чуқур ҳис этиши, ҳар бир хатти-ҳаракатида ана шу мезонга таяниши лозим. М.б. туйғуси халқимизнинг бир неча минг йиллик тарихи, буюк аجدодларимиз, ота-боболаримизнинг амалий тажрибаси негизида шаклланиб сайқал топиб келган. Шу боис бу туйғуни ҳар бир ватандошимиз онги ва қалбига сингдириш орқали мам-тимиз ҳаётида юз бераётган туб ўзгаришларга дахлдорлик ҳиссини шакллантириш, Ватанимизнинг тараққий этиши ва гуллаб-яшнашига эришиш мумкин.